

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI

XALQ DEPUTATLARI  
UCHTEPA TUMAN  
KENGASHINING

QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО  
КЕНГАША НАРОДНЫХ  
ДЕПУТАТОВ

№ 69/2-ў

2020 yil "19" avgust

**Туман соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан карантин тартиблари босқичма-босқич юмшатиб борилиши муносабати билан фуқаролар санитария талабларига қатъий риоя этишлари зарурлиги, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш ҳамда тўғри овқатланиш, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамнинг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 12 август кундаги раислигида ўтказилган “Карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш” тўғрисидаги видеоселектор йиғилишидаги белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 13 августдаги 01-22\1274-сонли хати юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Мамлакатимизда короновирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб қувватлаш” тўғрисидаги ПҚ-4652 сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, Учтепа туман Тиббиёт бирлашмаси Коронавирус инфекциясини олдини олиш бўйича талай ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, ҳар бир оилавий поликлиника тиббий ходимлари томонидан тумандаги 60 та маҳаллада тана харорати кўтарилган, сурункали касаллиги бўлган, 65 ёшдан ошган барча фуқаролар ва ўзгалар парваришига мухтож бўлган 2365 нафар қария ҳамда ногиронлиги бор шахслардан хабар олиниб, уй шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш таъминланмоқда;

тана харорати кўтарилган, йўтал, нафас қисиши, холсизлик шикоятлари билан поликлиникага мурожат қилган беморлар ҳамда шундай шикоятлар билан уйга чақириқ бўлганда мобиль гуруҳ томонидан кўрилади ва дори тўплами билан таъминланади.

Тиббиёт бирлашмаси ва ҳар бир оилавий поликлиника қошида Call center фаолият юритади. Call center га 2 сменада тиббиёт ходимлари бириктирилган бўлиб, улар эрталаб 8:00дан кечки соат 20:00га қадар хонадонлардан телефон орқали истмалаганлар бор йўқлиги, касалланганларнинг ахволи, мулоқотдошлар орасида касаллик аломатлари пайдо бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида маълумот оладилар. Касаллик

аниқланган ҳолатда мобил гуруҳига маълум қилинади ва мобиль гуруҳи томонидан шу хонадонга борилади.

Чет давлатлардан келган ва касалланганлар билан мулоқотда бўлган фуқароларимиз ва уларнинг оила аъзоларига уй шароитида олдин 14 кунлик назорат ўрнатилди ва ҳозирги пайтда 10 кунлик назорат ўтказилмоқда. Назорат даврида уларни УАШ ҳамда патронаж хамширалар томонидан эрталаб ва кечқурун телефон орқали ҳолидан хабар олиниб, тана ҳарорати сўралмоқда, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларга уй шароитида мобил бригада томонидан тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Касаллик гумон қилинган беморлар бинодан алоҳида бўлган изоляция хонасида қабул қилинади. Изоляция хонасида 2 та кислород концентрат қўйилган бўлиб, мурожаат қилган ўрта ҳахволдаги беморларга биринчи ёрдам бериш учун ишлатилади. Коронавирус тасдиқланган ва гумон қилинган беморларга дори тўплами берилиб, қабул қилиш тартиби тушунтирилади. Изолятордаги тиббий ходимлар беморларни махсус химоя кийимларида (противочумн. костюм) кўриқдан ўтказилиб, эпид.анамнез йиғилади.

Тумандаги барча тиббий муассасалари Дезинфекция учун Гидрапульть аппарати ёрдамида ҳар куни 3 маҳал зарарсизлантирилиш ишлари йўлга қўйилган.

Туман тиббиёт бирлашмасининг пандемия даврида аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини атрофлича муҳокама қилиниб, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. “Туман соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан карантин тартиблари босқичма-босқич юмшатиб борилиши муносабати билан фуқаролар санитария талабларига қатъий риоя этишлари зарурлиги, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш ҳамда тўғри овқатланиш, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамининг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини ташкил этиш тўғрисида”ги Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Н.Саидованинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори (Н.Саидова)га:

Секторларда жойлашган маҳаллаларда уйма-уй юриб аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, шунингдек боқувчисини йўқотган ва саломатлиги оғир бўлган қариялар билан рўйхат асосида мунтазам иш олиб бориши таъминлансин;

озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар белгиланган санитар нормалар

ва қоидаларга риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини таъминлансин;

ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар санитар ва бошқа нормалар ва қоидаларнинг талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда ишларни амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин;

даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;

хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, Республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратилишини назоратга олиш;

юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари амалга ошириб борилсин.

### **3. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари (А.Камилов)га:**

«Ишга марҳамат» мономарказларини ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил қилиш, шунингдек, меҳнат мигрантларини касбга ва тилга ўргатишни ташкиллаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

туманда ёшларни жамоатчилик асосида маҳалла тизимида ишга жойлаштириш масалалари йўлга қўйиш;

туманда ҳар бир сектор кесимида аҳолини айниқса ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни бандлик даражасини ошириш ишларини жадаллаштириш;

туман ҳудудида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик

коммуникацияларини куриш ва иш ўринларни барпо қилиш ишлари юклатилсин.

4. Мазкур қарорни назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Кабулова) зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши сессия раиси**



**Н.Темиров**



№ 70/12 - Ү

20 20 yil " 19 " август

**Учтепа туман жиноят ишлари судининг 2020 йилнинг  
I ярим йиллигидаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 13 июлдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан судлар фаолиятига оид ахборотни эшитиш амалиётининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҚҚ-104-IV-сонли қарорига асосан суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Учтепа туман жиноят ишлари суди раиси Д.Камиловнинг 2020 йилнинг I ярим йиллигидаги соҳада амалга ошириладиган ишлар режаси ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман жиноят ишлари суди раиси (Д.Камилов)га:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 июндаги “Суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларнинг муҳокамаси”га бағишланган йиғилиш баённомасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов томонларидан 2017 йил 19 июнда тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар режасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги РС-08-17-сонли қарорига мувофиқ, белгиланган вазифалар ижроси юзасидан куйидагилар белгиланишини тавсия этиш;

- барча суд раислари ва таркибий тузилма раҳбарлари қўл остидаги судья ва ходимларни ўз иш фаолиятига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, уларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чораларини кўриш;

- ҳар чоракка мўлжалланган жадваллар асосида халқ билан мулоқот ўрнатишга қаратилган аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, бунда ҳар бир судья томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аҳоли билан жойларда

бир ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этилишига, очик мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг мазмун-моҳиятини, унинг аҳамиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиш;

қўйи суд судьялар иш юритувидаги ишларнинг камида ўттиз фоизини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилишини ташкиллаштириш;

сайёр суд мажлислари жараёнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини сингдириш чораларини кўришга қаратиш;

3. Учтепа туман мутасадди бошқармалар, идоралар, ташкилотлар ва туман хокими ўринбосарлари белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан суд идораларига яқиндан амалий кумак кўрсатилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Учтепа туман жиноят ишлари суди томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ахборот киритсин.

5. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши сессия раиси**



**Н.Темиров**



№ 7/12 - II

20 20 yil " 19 " avgust

**Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судини**  
**2020 йилнинг I ярим йиллигидаги фаолияти юзасидан ахбороти**  
**тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 13 июлдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан судлар фаолиятига оид ахборотни эшитиш амалиётининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҚҚ-104-IV-сонли қарорига асосан суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг ахволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди раиси М.Имамовнинг 2020 йил I ярим йиллигидаги фаолияти юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди раиси (М.Имамов)га:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 июлдаги “Суд ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сонли Фармонига мувофиқ, белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қуйидагилар белгиланиши тавсия этилсин;

- барча судьялар ва суд ходимларини ўз иш фаолиятига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, уларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чораларини кўриш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига эътиборни янада кучайтириб, уларнинг ҳар бир важини чуқур ва атрофлича ўрганилиши, жавоблар асосли ва тўлиқ бўлишини таъминлаш;

- судья ва ходимларнинг билими ва маънавиятини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини бойитиш мақсадида ҳар ҳафтада маърифат соатларини ўтказилишини ташкил этиш;

-сайёр суд мажлислари жараёнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини сингдириш чораларини кўришга қаратиш;

- оилавий муносабатларда юзага келаётган салбий ҳолатлар, вужудга келаётган эр-хотин ўртасидаги низолар, аёл ва болалар ҳуқуқларини поймол бўлиши, ажрашиш, алимент ундириш, ажрашган она ва болаларни уй-жой билан таъминлаш каби муаммоларни ечими юзасидан таклифлар киритиб бориш;

-суднинг 2020 йилда бажариладиган ишлари юзасидан ўз дастурий режаси ва судьялар томонидан 2020 йил давомида жойларда муаммоларни ҳал этиш учун ҳар ойда халқ билан очиқ мулоқотлар, шунингдек судьялар томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, халқ билан мулоқот натижалари ва суд фаолиятига доир бошқа масалалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чиқишлари дастури асосида ишлар олиб борилиши;

- фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан никоҳ ва оила муносабатлари билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда оилаларни сақлаб қолиш, асоссиз ажралишларга йўл қўймаслик, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мазкур тоифадаги ишларни кўришда ҳокимият ва маҳалла фуқаролар йигини вакилларини жалб этган ҳолда ишларни сайёр суд мажлисларида кўришга эътибор қаратилсин.

- ҳар бир судья томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очиқ мулоқотлар ташкил этилишига, очиқ мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг мазмун-моҳиятини келиб чиқиб ва Халқ билан янада яқиндан мулоқотда бўлишгаалоҳида эътибор қаратилсин.

**3. Учтепа туманидаги мутасадди бўлим ва бошқармалар, идоралар ва ташкилот раҳбарларига:**

белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан суд идораларига яқиндан амалий кўмак кўрсатилишини таъминлаш топширилсин.

**4. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.**

**Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши сессия раиси**



**Н.Темиров**





№ 72/12-Ў

2020 yil "19" avgust

**Учтепа туман маъмурий судининг 2020 йилнинг I ярим йиллиги  
фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддалари, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 13 июлдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан судлар фаолиятига оид ахборотни эшитиш амалиётининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҚҚ-104-IV-сонли қарорига асосан суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар борасидаги фаолиятни самарали ташкил этиш мақсадида, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Учтепа туман маъмурий суди раиси Ж. Курбановнинг Учтепа туман маъмурий судининг 2020 йилнинг I ярим йиллигида соҳада амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман маъмурий суди раиси (Ж.Курбанов)га:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 13 июндаги “Суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларнинг муҳокамаси”га бағишлаган йиғилиш баённомасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов томонларидан 2017 йил 19 июнда тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар режасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги РС-08-17-сонли қарорига мувофиқ, белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қуйидагилар белгиланишини тавсия этиш ;

- барча суд раислари ва таркибий тузилма раҳбарлари қўл остидаги судья ва ходимларни ўз иш фаолиятига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, уларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чораларини кўриш;

- ҳар чоракка мўлжалланган жадваллар асосида халқ билан мулоқот ўрнатишга қаратилган аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, бунда ҳар бир судья томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аҳоли билан жойларда

бир ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этилишига, очик мулоқотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг мазмун-моҳиятини, унинг аҳамиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- қуйи суд судьялар иш юритувидаги ишларнинг камида ўттиз фоизини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилишини ташкиллаштириш;

- сайёр суд мажлислари жараёнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини сингдириш чораларини кўриш амалга оширилсин.

**3. “Менинг маҳаллам - менинг судьям”** ғояси асосида туман судьялари ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларига доимий бириктирилиши;

- Тумандаги судьялар томонидан ўзларига бириктирилган маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жинойтчиликка қарши курашиш, шунингдек аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш юзасидан сайёр учрашувлар ўтказилиши;

- Бундан ташқари, вояга етмаган шахслар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиб, туман суди судьялари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари ва коллежларда талабалар билан ўтказилган сайёр учрашувларда ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни акс эттирувчи махсус тайёрланган видеороликларни намойиш этиб, ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлили ҳақида батафсил ахборот берилиб, уюлмаган, тарбияси огир, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ёшлар билан алоҳида профилактик суҳбатлар ўтказилиши;

- сайёр судлар мажлислари давомида аҳолини эътиборини жалб қилган ҳолда, уларга ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида, янги қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари бўйича ва қонунга итоаткорлик, шу билан бирга, қонунчиликка биноан белгилаб қўйилган талабларга риоя қилинмаслик оқибатлари ҳақида, шунингдек судлар фаолиятига доир уларни қизиқтирган мавзуларда давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб борилсин.

4. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши сессия раиси**



**Н.Темиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
XALQ DEPUTATLARI  
UCHTEPA TUMAN  
KENGASHINING  
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН  
РЕШЕНИЕ  
УЧТЕПИНСКОГО РАЙОННОГО  
КЕНГАША НАРОДНЫХ  
ДЕПУТАТОВ

№ 73/12 - 0

2020 yil "19" avgust

**“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги ПФ-6038-сон Фармони бўйича Учтепа туман ҳудудида бажарилган ишлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 23 апрель куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни кескин камайтириш, муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Селекторда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Учтепа туман кенгаши депутатларининг 2020 йил 28 апрелдаги 34-07-2 сонли Кенгаш қарори асосида туман “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди томонидан Учтепа туман “Халқ банки” бўлимида “Саҳоват ва кўмак” жамғармасининг махсус ҳисоб рақами очилди.

Учтепа тумани “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамига жорий йилнинг **30 июль куни** ҳолатига туманда фаолият юритаётган 263 та корхона ва ташкилотлар томонидан жами **2 млрд. 555 млн. 235 минг сўм** пул маблағи ўтказилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Кенгаш аъзолари томонидан ҳудудда истиқомат қилувчи кам таъминланган (34 та), ижтимоий ҳимояга муҳтож (1549 та), эҳтиёжманд ногиронлар (903 та), якка-ёлғизлар (481 та), ишсизлар (413 та) ва карантин пайтида доимий даромадидан маҳрум бўлган (1128 та) оилалардан, жами 4508 та фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, Халқ депутатлари Учтепа тумани кенгаши сессия йиғилишида тасдиқланган. Тошкент шаҳар “DAVR-BANK” Учтепа туман бўлимининг транзит ҳисоб рақамига жами **2 млрд. 72 млн. сўм маблағ ўтказиб берилди.**

**200 млн сўм** маблағ сув тошқинидан зарар кўрган Сардобага моддий ёрдам сифатида Тошкент шаҳар Маҳалла фонди ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Ҳозирда эса “Саҳоват ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамида **189 млн. пул** маблағи мавжуд.

Учтепа туманидаги маҳаллаларда яшовчи пандемия пайтида эҳтиёжманд бўлган жами **4727 та** фуқароларга пластик карталар очилди. Туман прокуратураси ва Давлат солиқ инспекцияси туман бошқармаси

ходимларидан иборат Ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида **4508** та фуқаро эҳтиёжманд деб топилди. Жумладан,

1-секторда – 1065 та;

2-секторда -1071 та;

3-секторда – 1004 та;

4-секторда – 1368 та.

2020 йилнинг 30 июль ҳолатига туман миқёсида жами **4508 нафар** фуқароларнинг пластик карталарига пул маблағларитушириб берилган бўлиб, шундан **945 нафар** фуқароларнинг пластик карталарига “Миллий банк” туман бўлими томонидан **2,5 млн.** маблағ тушуриб берилди.

3. Азимбаеванинг ҳисоботи тингланиб, амалга оширилаётган келгусидаги вазифалар борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи 3. Азимбаеванинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга мухтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб қувватлашга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги ПФ-6038-сон Фармони бўйича Учтепа туман ҳудудида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Темир дафтар”га киритилмаган, пандемия пайтида ҳақиқатдан ҳам эҳтиёжманд бўлиб қолган фуқароларга 1 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш бўйича режали ишлар амалга оширилсин.

3. Мазкур қарорни назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши сессия раиси



Н.Темиров



№ 74/12-У

20 20 yil " 19 " август

**“Туман аҳолиси ўртасида 2020 йилнинг шу кунига қадар Санитария эпидемиологик осойишталик маркази томонидан тадбирлар, юқумли касалликларни олдини олиш бўйича профилактик ва эпидемияга қарши ташкил этилган чора – тадбирлар тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази (А.Хасанов)нинг “Туман аҳолиси ўртасида 2020 йилнинг шу кунига қадар Санитария эпидемиологик осойишталик маркази томонидан тадбирлар, юқумли касалликларни олдини олиш бўйича профилактик ва эпидемияга қарши ташкил этилган чора – тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази (А.Хасанов), Тошкент шаҳар ДСЭНБ Учтепа туман филиали, Учтепа тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бошлиғи (Н.Саидова) ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда:

- Туманда тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш;

- Санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, яшаш муҳитини, хавфсизлигини ва инсон соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш, санитария эпидемиология осойишталик маркази фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни изчиллик билан давом эттириш чоралари кўрилсин.

3. Ушбу қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари Б.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши сессия раиси



Н.Темиров